



ПРЕЗИДЕНТНИНГ ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТИ: ЯНГИ ТАШАББУСЛАР, ҚУЛАЙЛИК ВА ЕНГИЛЛИКЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев 22 август куни Халқаро конгресс марказида тадбиркорлар билан очик мулоқот ўтказди.



Давлатимиз раҳбари тадбир авалида юртимиз ишбилармонларини Тадбиркорлар куни байрами билан табриклаб, улар мамлакатимиз иқтисодий қудратини оширишда асосий куч эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 августдаги фармонида мувофиқ, Тадбиркорлар куни

муносабати билан мамлакатимиз тараққиётга муносиб ҳисса қўшиб келаётган 29 нафар фидойи ва илғор тадбиркор ордени билан таърифланган эди. Тадбирда ана шу юксак мукофотлар топширилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19 августдаги қарори билан "Фаол тадбиркор" кўрак

нишони таъсис этилган эди. Мазкур мукофотга сазовор бўлган 100 нафар тадбиркорга ҳам жойларда ушбу янги кўрак нишони топширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари мулоқотда, аввало, ўтган йилги учрашувдан бери бажарилган ишлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтди. Жумладан, бизнес муҳит яхшилангани натижасида ўтган бир

йил давомида тадбиркорлар томонидан 55 мингдан ортиқ бизнес учун бинолар қурилган. Тушумлари 1 миллион доллардан ошган тадбиркорлик субъектлари сони 5 мингга кўпайиб, 26 мингга етган. Яна минг нафари товар айланмасини 1 миллиондан 10 миллион долларгача етказган, 220 нафарининг тушумлари эса 100 миллион

долларга етган. Экспорт қилувчи корхоналар сони 7,5 мингга бўлган, умумий экспорт ҳажми 30 фоизга кўпайган.

Ушбу, навбатдаги мулоқот арафасида ҳам "колл-марказ" ташкил этилди ва тадбиркорлардан 12 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушди. Уларда шахсий ёки маҳаллий муаммолар билан бирга тизимли масалалар ҳам

кўтарилган. Улар буйича энг мақбул йўллари топиш учун тахлилий иш олиб борилиши қайд этилди.

Президент бешта асосий йўналишни кўрсатиб ўтиб, уларнинг ҳар бири буйича кўплаб ташаббусларни илгари сурди.

▶ Давоми 3-бетда

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ УЧУН ЯНГИ ШАРОИТ ВА ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИШ – УСТУВОР ВАЗИФАМИЗДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очик мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи

Хурматли тадбиркорлар, очик мулоқот иштирокчилари!

Бугун Тадбиркорлар куни муносабати билан мамлакатимиз бизнес ҳамжамиятида муносиб ўринга эга бўлган сиздек азиз инсонлар билан кўришиб турганимдан гоёт мамнунман.

Бугунги мулоқотимиз энг улғу ва энг азиз айём — Мустиқлик байрами арафасида ўтаётгани, ҳеч шубҳасиз, унга алоҳида мазмун ва руҳ бағишламоқда, десам, тўғри бўлади.

Бундан бир йил олдин сизлар билан мана шундай эзгу аънанани йўлга қўйганимиз жуда тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

Ўтган йилги учрашув арафасида ва тадбир давомида сизлардан келиб тушган минглаб мурожаатларда кўтарилган муаммоларни ҳал этиш ва тақлифларни амалга оширишга қаратилган катта дастур, 70 дан ортиқ фармон ва қарорлар қабул қилдик. Бизнесни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун 130 триллион сўм кредитлар, 3,5 триллион сўмлик субсидия ва компенсациялар ажратдик.

Ўтган йилги учрашувимиз арафасида хорижий валютада кредит олган ва валюта курсининг мунтазам ўсиши сабабли қийин аҳволга тушиб қолган юзлаб тадбиркорларимиздан мурожаатлар келиб тушган эди. Шундай муаммага дуч келган тадбиркорларнинг мушқулини осон

қилиш мақсадида уларнинг 123 миллион долларга тенг кредитларини миллий валютага ўтказиб бердик. Ушбу амалиётни давом эттирамиз.

Қурилиш саноатида цемент, чарм-саноатда бўёқлар ва кимёвий моддалар, мебель саноатида МДФ, фурнитура ва аксессуарлар каби жами 82 турдаги хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлар импорт божидан озод қилинди, натижада маҳсулотларнинг таннархини камайтириш учун шароит яратилди.

Умуман, ижобий мисол сифатида кўрсатилган натижаларимиз кўп. Мен улар ҳақида кўп тўхталмасдан, айнан бизнес муҳитнинг яхшиланганини кўрсатувчи мисолларни келтириб ўтмоқчиман.

Эътибор беринг, ўтган бир йил давомида тадбиркорлар томонидан 55 мингдан ортиқ бизнес учун бинолар барпо этилди. Яъни тадбиркорлар келажакка ишониб, кўчмас мулкка инвестицияларни кўпайтирмоқда. Шунингдек, тушумлари 1 миллион доллардан ошган тадбиркорлик субъектлари сони 5 мингга ошиб, 26 мингга етди. Яна 1 минг нафари товар айланмасини 1 миллиондан 10 миллион долларгача етказди. Тадбиркорларимиздан 220 нафарининг тушумлари эса 100 миллион долларга етди.

Мамлакатимизда экспорт қилувчи корхоналар сони 7,5 мингга етди, умумий экспорт ҳажми 30 фоиз кўпайди.

Албатта, бундай ютуқларга эришиш осон

бўлмапти. Мен бунга яхши тушунам. Ушбу ютуқлар негизда сизларнинг тинимсиз ва машаққатли меҳнатингиз турганини аниқ биламан ва қадрлайман.

Бугун ушбу минбардан туриб бир гапни баралла айтмоқчиман: **мен сизларни фаровон ҳаётимиз бунёдкорлари, деб биламан ва буйўлда сизлар билан доим биргаман.**

Ҳозиргина 29 нафар бизнес вакилларимизга уларнинг фидокорона меҳнатини эътироф этиб, давлатимизнинг юксак ордени билан таърифланган. Шунингдек, куни кеча 100 нафар ишбилармонларимиз "Фаол тадбиркор" кўрак нишонига сазовор бўлди.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ЕТАКЧИЛАРИ ИККИ ТОМОНЛАМА ВА МИНТАҚАВИЙ КҮН ТАРТИБИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

22 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Икки томонлама стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлаш, бўлажак олий даражадаги тадбирларни ҳисобга олиб минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Жорий йил сентябрь ойи ўртасида Самарқанд шаҳрида ўтказилган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилиши

доирасидаги учрашувларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Россия Президентлари, энг аввало, савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳаларда қўшма лойиҳа ва дастурларни илгари суришнинг амалий жиҳатларини муҳокама қилдилар.

Ҳукуматлар ва идоралар даражасидаги фаол алоқалар ва алмашинув-

ларни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Икки мамлакат етакчилари Ўзбекистон ва Россия ҳудудлари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришни қўллаб-қувватладилар. Шу муносабат билан жорий йилнинг кузига мамлакатимизда Худудлар-аро форумнинг ўтказилишига муҳим аҳамият берилмоқда.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ КОНГРЕССИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 август куни АҚШ Конгресси аъзолари Трент Келли ва Дэрин Лахуд иштирокидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Парламентлар ўртасида фаол алмашинувларни ҳамда конгрессменлар вакиллик қилаётган Миссисипи ва Иллинойс штатлари билан амалий ҳамкорликни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Кейинги йилларда икки томонлама муносабатларда эришилган юқори даража мамнуният билан қайд этилди.

Самарали мулоқотлар кенгаймоқда, ўзаро ташрифлар амалга оширилмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ўтган йилда 53 фоизга, жорий йил бошдан эса яна 20 фоизга ошди. Бозоримизда муваффақиятли фаолият юритаётган АҚШ компанияларининг сони ортиб бормоқда.

Мисол тариқасида "Silverleaf" компаниясининг Жиззах вилоятидаги агрокластерни ривожлантириш борасидаги сермахсул фаолияти кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари АҚШ Конгрессида фаолият юритаётган Ўзбекистон буйича кокуснинг натижадор ишини юксак баҳолади.

Шунингдек, соғлиқни сақлаш, таълим, қишлоқ хўжалиги, саноат ва юқори технологиялар соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

АҚШнинг ушбу ҳудудларидан ишбилармонлар делегацияларининг мамлакатимизга ташрифларини ташкил этишга келишиб олинди.

ЎЗА



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ УЧУН ЯНГИ ШАРОИТ ВА ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИШ — УСТУВОР ВАЗИФАМИЗДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи

Бошланиши 1-бетда

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу тадбиркорларимизни яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Хурматли тадбиркорлар!

Дунёдаги хозирги вазиятни кўриб турибсиз, унинг жаҳон иқтисодиётига салбий таъсири ортиб бормоқда.

Иқтисодий фаолликнинг пасайиши, ташқи савдо, логистика, озиқ-овқат ва хомашё нархлари, энергия билан барқарор таъминлашдаги муаммолар тадбиркорларни албатта хавотирга солмоқда.

Шу боис, ушбу хавф-хатарларнинг иқтисодиётимизга таъсирини камайтириш ва барқарор ривожланиш учун барча имкониятларни ишга солмоқдамиз. Бу жараёнда тадбиркорларимиз билан доимий мулоқот қилиб, келгусидаги барча саъй-ҳаракатларимизни бамаслаҳат давом эттирамиз.

Хурматли бизнес вакиллари!

Бугунги мулоқотимиз арафасида тадбиркорларимиздан 12 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушди. Ушбу мурожаатлардаги саволлар, билдирилган тақлиф ва ташаббусларнинг мазмуни билан батафсил танишиб чиқдим. Шунингдек, вазирлар ва ҳокимлар бизнес вакиллари билан алоҳида мавзулар бўйича учрашди. Ана шу учрашувларда сизлар кўтарган муаммолар, берган тақлиф ва ташаббуслардан ҳам хабардорман.

Чиндан ҳам, бугунги кунда бизнес вакилларида ечимини кутаётган кўплаб масалалар йғиғилиб қолган.

Биринчи — янги лойиҳаларни бошлаш, бизнесни кенгайтириш ва айланма маблағларни кўпайтириш учун тадбиркорларда 6 миллиард доллар қўшимча кредитларга эҳтиёж мавжуд. Бу ҳақда 3 мингга яқин мурожаат келиб тушган.

Иккинчи — 1,5 минг тадбиркор солиқ маъмурчилигининг мураккаблиги ва текширувлар бўйича ўз эътирозларини билдирган.

Учинчи — тадбиркорлик учун шароитлар барча туман ва шаҳарларда ҳам бир хил эмас. Буни яқинда жорий этилган ҳудудларнинг инвестициявий рейтингни яққол кўрсатиб берди. Барча туман ва шаҳарларда тадбиркорликни тенг ривожлантириш бўйича ҳар бир ҳудуд учун алоҳида ёндашувлар зарур.

Тўртинчи — инфратузилмага улашиш, ер ва жой ажратиш масалалари бўйича бизнес вакилларининг кўплаб муаммолари ҳал этилмаган турлибди. Бу борада ҳам 2 мингдан ортиқ мурожаатлар бор.

Бешинчи — мулк дахлсизлиги, тадбиркорлик фаолиятига аралашиш ҳам бизнес вакилларини жиғиди ташвишга солаётгани сир эмас.

Олтинчи — бизда кичик ва ўрта бизнес тушунчалари, уларнинг ўсишига туртки берадиган алоҳида кўплаб-қувватлаш чоралари белгиланмаган.

Сизлар кўтарган ана шундай масалалар ўринли.

Бир нарсани очиқ айтмоқчиман — ҳамма муаммоларни бидранига ҳал қилиш мумкин эмас. Лекин бугун кўплаб масалаларга ечим топишга ҳаракат қиламиз, қолганлари бўйича бизнес вакиллари ва экспертлар билан ҳамкорликда ишлаймиз.

Хозир мен 5 та йўналишдаги ташаббусларни айтиб ўтсам-да, кейин сизларнинг фикр-мулоҳаза ва тақлифларингизни кўриб чиқасан.

Хурматли очиқ мулоқот иштирокчилари!

Айтиб ўтганимдек, биринчи йўналишда — корхоналарни тоифаларга ажратиб, уларни кўплаб-қувватлаш бўйича алоҳида ёндашувни белгиллаб олишимиз зарур. Бунда корхоналарни уларнинг йиллик айланмаси бўйича тоифаларга ажратамиз. Уларнинг 1 миллиард сўмгача бўлгани — микро бизнес, 10 миллиард сўмгача бўлгани — кичик бизнес, 100 миллиард сўмгача бўлгани ўрта бизнес тоифасига киради.

Шундан келиб чиқиб, **биринчидан**, 2023 йил 1 январдан бошлаб микро бизнес учун айланмадан олинадиган солиқнинг амалдаги 4 фоиздан 25 фоизгача бўлган ставкалари ўрнига янага 4 фоизли солиқ ставкаси жорий этилади. Бунда олис ҳудудлардаги ва алоҳида тоифадаги тадбиркорлар учун амалдаги 1 ва 2 фоизли ставкалар сақлаб қолинади. Ёки улар ихтиёрий равишда йилга 20-30 миллион сўм тўласа, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва солиқ идораларига тақдим этиш мажбуриятдан озод этилади.

Бундан ташқари, айланмаси 1 миллиард сўмдан ошиб, умумий солиқ тўлаш тартибига ўтган корхоналар бир йил давомида фойда солигини 2 баробар кам тўлайди. Ушбу имкониятлар 370 минг тадбиркорга энгилликлар яратади ва уларга жуда катта стимул беради.

Айни пайтда айланмаси 10 миллиард сўмгача бўлган тадбиркорларга хабардор қилиш орқали солиқ тўловларини олти ойгача фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади (амалда 15 фоизлик ставка қўлланади), агар тадбир-

кор хоҳласа, унинг солиқ ҳисоботларини солиқ идоралари қўмакчи бўлиб юритиб беради.

Иккинчидан, тез ўсиб бораётган салоҳияти юқори бўлган ўрта корхоналар сонини хозирги 3,5 мингтадан 10 мингга етказишимиз зарур. Бунинг учун 2023 йил 1 январдан бошлаб кичикдан ўрта бизнесга ўтган корхоналар икки йил давомида фойда солигининг фақат 50 фоизини тўлайди. Шунингдек, мулкни суғурта қилиш харажатларининг 50 фоизи давлат ҳисобидан қўллаб берилади.

Бундан ташқари, соддалаштирилган солиқ, молиявий ва статистика ҳисоботлари жорий этилади.

Давлат харидларида 20 фоиз квота ўрнатилиб, ушбу харидлар доирасида мазкур тоифадаги корхоналарга олдиндан 50 фоиз маблағ тўлаб берилади (амалда 15 фоиз).

Учинчидан, ўрта корхоналарнинг ривожланиши ва рақобатдош бўлишида халқаро стандарт ва сертифицирлаш тизимини жорий этиш ўта муҳим аҳамиятга эга. Улар ишлаб чиқаришга қанчалик тез жорий этилса, ички бозорда сифатли маҳсулотларимиз ҳам кўпаяди. Афсуски, буни ўз кучи билан амалга ошириш учун тадбиркорда маблағ ҳам, тажриба ҳам етарли эмас.

Шу боис, Бош вазир ўринбосари Ж.Ходжаев, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (Д.Саттаров) бир ой муддатда ҳар бир ҳудуд ва тармоқ кесимида бажариладиган аниқ тадбирлардан иборат қарор лойиҳасини киритсин.

Тўртинчидан, кичик ва ўрта бизнес учун энг муаммоли масалалардан бири — бу қўшилган қиймат солигини ҳисоблаш ва қайтариш билан боғлиқ.

Эсингизда бўлса, бундан 3 йил олдин қўшилган қиймат солиғи фақат экспортчи корхоналарга қайтарилар эди. 2020 йил 1 июлдан бошлаб эса ушбу солиқни барча корхоналарга қайтариб беришни бошладик. Бунинг ҳисобидан бундай солиқ тўловчилар сони 25 баробар ошиб, 160 мингга етди.

Бизнес учун солиқ юкини тушириш сиёсатини давом эттириб, олдинги очиқ мулоқотда қўшилган қиймат солиғи ставкасини янада туширишни келишига олган эдик.

Очиқ айтишим керак, “Иқтисодиёт пандемия туфайли ҳали тўлиқ тикланмади, жаҳон иқтисодиётидаги вазият яхши эмас, шу сабабли буни кейинга қолдирайлик”, — деб тақлиф берганлар ҳам бўлди. Лекин, сизларни ишонтириб айтман: биз ислохотлар йўлидан ҳеч қачон ортага қайтмаймиз ва 2023 йил 1 январдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкасини 12 фоизга туширамыз.

Шу билан бирга, тадбиркорларимизда ушбу солиқ бўйича кўплаб саволлар, тушунмовчиликлар бор.

Бир фикрни таъкидлаб айтмоқчиман, қўшилган қиймат солиғи иқтисодиётимиздаги “касаликлар”ни, хуфёна жараёнларни, ҳисоб-китоблардаги “заиф жойлар”ни кўрсатиб бermoқда.

Мени энг ташвишга солаётган жиҳат шуки, “зачётга олиш”даги нотўғри ишлар туфайли ҳалол тадбиркорларимиз, жумладан, экспортёрларимиз ҳам азият чекмоқда.

Бош вазир ўринбосарлари Ж.Қўчқоров ва Ж.Ходжаев, Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Қудбиев), Савдо-саноат палатаси (Д.Вахобов) бизнес вакиллари ва экспертлар билан бирга, икки ой муддатда қўшилган қиймат солиғи бўйича келиб чиқаётган муаммоларни очиқ муҳокама қилиб, аниқ ечимлари бўйича тақлифлар ишлаб чиқсин. Лекин буни кутмасдан, жорий йил 1 октябрдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоб-китоби тўлиқ йўлга қўйилган корхоналарга маблағларни 7 кун ичида қайтариш тизими жорий этилади.

Ҳўкумат комиссияси (Ж.Ходжаев) бундай тоифага тушадиган тадбиркорлар рўйхатини шакллантириб, амалий ишларни ташкил этсин.

Бешинчидан, жорий йил 1 июлдан бошлаб бўш бино, фойдаланилмаётган ер участкасига нисбатан мол-мулк ва ер солиқларининг оширилган ставкаларини қўллаш бекор қилинди. Лекин аввал ошириб ҳисобланган солиқлар нима бўлади, деган савол 19 минг тадбиркорни безовта қилмоқда ва бу бўйича кўплаб мурожаатлар келиб тушган.

Шуларни инобатга олиб, тадбиркорларнинг оширилган солиқ ставкалари бўйича ҳисобланган 2 триллион сўмлик қарзларидан бутунлай воз кечсак, нима дейсизлар?

Иккинчи йўналиш — тадбиркорларимиз ўз фаолиятини кенгайтириш, янги лойиҳаларни амалга ошириш учун кулай молиялаштириш тизимини ташкил этишни сўрамоқда.

Биринчидан, кичик бизнес лойиҳаларига 20 триллион сўм йўналтирилади. Жумладан, келгуси бир йил учун Молия вазирлиги микро ва кичик бизнес лойиҳалари бўйича Микрокредитбанк, Агробанк ва Халқ банкига 500 миллион доллар ресурс ажратади.

Ушбу маблағлар ўз фаолиятини энди бошлаган тадбиркорларнинг кичик лойиҳалари учун 300 миллион сўмгача, 5 йил муддатга, 2 йилгача имтиёзли давр билан берилади.

Бундан ташқари, халқаро молия институтлари билан тадбиркорларимиз учун 1 миллиард доллар узоқ муддатли кредит линияларини жалб қилиш бўйича аниқ келишувларга эришдик. Шундан 300 миллион доллари аёллар ва ёшлар тадбиркорлиги лойиҳаларига ажратилади.

Бу ҳақда сўз юритганда, JICAдан — 400 миллион доллар, Европа тикланиш ва тараққиёт банкидан — 150 миллион доллар, Жаҳон банкидан — 150 миллион доллар, Осие тараққиёт банкидан — 120 миллион доллар, Ислон тараққиёт банки ва савдо-молия корпорациясидан — 180 миллион доллар жалб этиш бўйича келишувларга эришилганини қайд этиш лозим.

Бунга қўшимча равишда давлат банкларига соф фойдасидан 2 триллион сўмни ўзларида қолдириш ва кичик тадбиркорларнинг лойиҳалари учун йўналтириш имконияти яратилади.

Ҳабарингиз бор, апрель ойида микро молиялаш фаолиятига кучли туртки берадиган қонун қабул қилдик. Лекин, афсуски, тадбиркорликни ривожлантиришда ҳанузгача бу тизимнинг ўрни сезилмапти.

Марказий банк раиси М.Нурмуратов эски тизимдан воз кечиб, микромолиялаш ташкилотлари ривожланишига тўсиқларни олиб ташлаши керак. У Адлия вазирлиги Р.Давлетов билан бирга ҳар уч ойда бизнес вакиллари билан учрашиб, янги қонуннинг амалда ишлашига масъул ва жавобгар бўлади.

Умуман, икки ой муддатда микромолиялаш ташкилотларига қўшимча маблағларни жалб қилиш, уларнинг кредитлаш имкониятларини кенгайтириш бўйича алоҳида чораларни белгилаб, йил якунига қадар кескин ўзгариш қилиш лозим.

Иккинчидан, тижорат банклари ўрта бизнес лойиҳалари учун халқаро молия бозорларидан давлат кафолатисиз 700 миллион доллар маблағ жалб қилди. Бунда 5 миллион долларгача кредитлар ўрта тадбиркорларга 7 йилдан кам бўлмаган муддатга 3 йилгача имтиёзли давр билан берилади.

Шунингдек, тижорат банклари давлат ресурс ажратишини кутиб ўтирмасдан, депозитлар ҳисобига 20 триллион сўмни жалб қилади ва қўшимча кредитларни беришга йўналтиради.

Учинчидан, ҳудудларда 109 нафар ўрта бизнес вакиллари қиймати 4,6 миллиард долларлик 111 та йирик лойиҳани амалга ошириш ташаббуси билан чиққан. Бу орқали 45 мингга иш ўрни яратилади.

Бугунги учрашувда ушбу ташаббусни илгари сурган бизнес вакилларининг қўлларини кўриб турибман. Улар ўз ҳисобидан 1,6 миллиард доллар ҳамда 1 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб этишга тайёр. Қолган 2 миллиард доллари учун узоқ муддатли кредитлар зарур. Шу мақсадда Миллий банк, Саноат қурилиш банки ва Ипотекабанк ушбу маблағларни жалб қилиш бўйича манзилли ишлайди.

Ташаббус кўрсатиб, ҳам ўз фаолиятини кенгайтирган, ҳам бошқа корхоналарнинг ўсишига қўмак берадиган бундай тадбиркорларни давлат ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Бош вазир ўринбосари Ж.Ходжаев ва инвестиция ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари А.Воитовга топширик: ушбу лойиҳаларнинг ҳар бирига вилоят ҳокимларининг инвестициялар бўйича ўринбосарлари, Ҳукумат ва вазирликлардан масъулларни бириктириб, муаммоларини ҳар 15 кунда шахсан муҳокама қилиб, ечимлар топиб борсин. Ҳар чоракда лойиҳаларнинг бориши бўйича Президент Администрациясига ахборот киритиб борсин.

Бундан ташқари, молия вазирлиги Т.Ишметов четдан жалб қилиниб, банкларга жойлаштирилган ресурсларни тадбиркорларга ажратиш муддатларини 2 баробар узайтирсин. Яъни, кредитлар аввалги 7 йил ўрнига 14 йилгача ажратилади. Бунда Молия вазирлиги фоиз ставкасини 14 фоиздан, хорижий валютадаги кредитлар бўйича маржасини эса 0,25 фоиздан оширмайди (ҳозирги вақтда 1 фоизгача).

Тўртинчидан, кредитлашда асосий муаммолардан бири — гаров таъминотининг етишмаслиги ҳисобланади.

Тахлилларга кўра, банкларга мурожаат қилган тадбиркорларнинг 16 фоизида гаров етишмаслиги сабабли уларга кредит бериш рад этилган.

Шу боис, Тадбиркорлик жағғармаси томонидан кафилиқ бериш имкониятлари қўшимча 2 баробар оширилади (ҳозирги кунда 10 триллион сўм).

Натижада камда 15 минг нафар тадбиркорнинг бизнес лойиҳалари учун кредит олишидаги гаров масаласи ҳал бўлади. Тадбиркорларимиз бундан анча чарчаган.

Кредит беришда айланмадаги товарлар, экспорт шартномалари, очилган аккредитивлар ва

келгуси тушумлардан ҳам гаров таъминоти сифатида фойдаланиш вақти келди.

Марказий банк (М.Нурмуратов) 1 октябрдан ушбу тизимни барча банкларда жорий этишни таъминласин ва барча тижорат банклари раҳбарлари билан бирга ушбу механизмлар тўлиқ ишлаб кетишига масъул бўлади.

Учинчи йўналиш. Кредит бериш, бу — масаланинг бир томони. Бизнес юриб кетиши учун етарли шарт-шароит, инфратузилма ва кафолатли бозор керак.

Шу сабабли, **биринчидан**, туман ва шаҳарларнинг шароитидан келиб чиқиб, бизнес учун алоҳида ёндашувларни жорий этишимиз. Масалан, Тошкент вилоятидаги Қибрай тумани билан Оқўрғон тумани, Бухоро вилоятининг Ёғдудон тумани билан Олот туманида бизнесни бошлаш ва юритиш учун шароитлар мутлақо ҳар хил бўлса-да, ҳамма талаб ва ёндашувларимиз бир хил бўлиб қолмоқда.

Шунинг учун келгуси йилдан шарт-шароити бўйича барча туман ва шаҳарлар 5 та тоифага ажратилади. Уларда солиқ, субсидия, кредит фоизлари учун компенсация ва кафилиқ бериш, инфратузилмага улаш бўйича алоҳида тартиблар белгиланади.

Иккинчидан, бизнес учун барча шароит ва инфратузилмага эга бўлган замонавий саноат зоналарини кўпайтирамыз.

Оддий мисол, бундан 3 йил олдин Тошкент шаҳрида ташкил этилган Технопарк йилига 300 миллион доллар маҳсулот ишлаб чиқариб, 120 миллион доллар экспорт қилмоқда. Бундай технопарклар барча ҳудудларда бўлиши керак. Шу боис, ҳар бир вилоятда 100 тадан корхона учун йирик саноат зоналари ташкил этилади. Уларга инфратузилма тармоғи давлат томонидан олиб келинади, бизнес учун ишлаб чиқариш бинолари тайёр ҳолда тақлиф этилади, уларни бошқариш учун бу соҳада малакали хорижий компаниялар жалб қилинади. Инновациялар ва инжиниринг маркази ҳамда замонавий лабораториялар ташкил этилади.

Бош вазир ўринбосарлари Ж.Қўчқоров ва Ж.Ходжаев вилоят ҳокимлари билан бирга шу масалалар юзасидан икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамаси қарори билан ҳар бир ҳудуд бўйича алоҳида дастурларни тасдиқлаб, амалий ишларни бошласин.

Учинчидан, ўтган йили қиймати 200 миллиард сўмдан юқори бўлган лойиҳаларни барча инфратузилма тармоқларига улашни давлат ўз зиммасига олди.

Бу борада тадбиркорларимиздан тушган тақлифлардан келиб чиқиб, яна бир имконият яратамиз. Яъни бундай лойиҳалар бўйича тадбиркорлар инфратузилмага ўз маблағини сарфласа, уларнинг солиқ базаси шунча суммага камайтиради.

Тўртинчидан, биз 2021 йил ноябрь ойида ер участкаларини хусусийлаштириш бўйича қонун қабул қилдик.

Жараён яқинда бошланганига қарамасдан, хозирги кунгача 10 мингга яқин мурожаатлар келиб тушди.

Тадбиркорларимиз учун қўшимча қулайлик яратиш бўйича яна бир тақлиф бор.

Хусусийлаштириш учун белгиланган ер солигининг 20 қарраси миқдоридидаги тўлов Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 10 қаррага (яъни 1 сотих учун ўртача 6 миллион сўмга), бошқа ҳудудларда 5 қаррага (1 миллион сўм) пасайтирилади.

Шу билан бирга, кўплаб тадбиркорларимизни қийнаб келган яна бир масала — амалдаги тартиб бўйича юридик шахс туғатилганида, унинг ерга бўлган ҳуқуқи ҳам бекор қилинмоқда. (Бу тартиб 1998 йилда ўрнатилган ва ўша вақтда ернинг бозор қиймати бўлмаган).

Бундан буён аукционда ер сотиб олган тадбиркор бирор-бир сабабга кўра фаолиятини яқунласа, унинг ерга бўлган ҳуқуқи албатта сақланиб қолиши шарт.

Бешинчидан, тадбиркорларимизнинг жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун йил якунига қадар қўшимча 10 мингдан ортиқ ер участкалари савдога чиқарилади, аукционга чиқариш муддати амалдаги 80 кундан 30 кунга қисқартирилади, чекка ҳудудларда ерларни аукционга чиқаришда пасайтирилган коэффицентлар қўлланилади, бўш турган объектларни аукцион орқали ижарага бериш муддати амалдаги 1 йилдан 3 йилга узайтирилади.

Тўртинчи йўналиш. Тадбиркорларимиздан мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш масаласида 1 мингдан ортиқ мурожаатлар келиб тушган.

Энди хусусий мулкка муносабат мутлақо бошқача бўлади.

Биринчидан, бундан буён ер ва мулк ажратиш ҳақидаги қарорларни бекор қилиш фақат ва фақат суд тартибиде амалга оширилади.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳокимларнинг эътиборини бир масалага қаратмоқчиман — мулк ҳуқуқига оид қарорларни улар томонидан бекор қилишга йўл қўйилмайди. Яъни ҳуқуқ

берувчи ҳужжатни фақат суд ҳақиқий эмас, деб топиши мумкин бўлади.

Иккинчидан, тадбиркорларни қийнаётган яна бир амалиёт — тергов жараёнида мол-мулкни хатлаб қўйиш.

Мисол учун, ўтган 3 йилда терговчилар томонидан аниқланган зарардан икки баробар кўп мол-мулк хатланган (1,5 триллион сўм).

Энди ҳар бир хатловнинг асосли экани суд томонидан кўриб чиқилади, қарорни фақат суд қабул қилади. Уйлайманки, шундагина адолат бўлади.

Учинчидан, тадбиркорларнинг судларга мурожаат қилиш имконияти кенгайтирилади. Бунда уларнинг маъмурий судларга ариза беришида давлат божи ставкаси 2 баробар камайтирилади.

Давлат божи ставкаси даъво миқдорига қараб эмас, балки қатъий суммада белгиланиши шарт бўлади (ҳозирги вақтда даъво суммасининг 2 фоизи миқдориди).

Тадбиркорларнинг солиқ идоралари қарори устидан судга шикоят киритиш муддати хозирги 1 ойдан 3 йилга узайтирилади.

Тадбиркорнинг банкдаги ҳисоб рақамидан маблағини унинг розилигисиз кўчириш ёки олиб қўйиш мумкин эмас, ортиқча ундирилган тўловлар ўз вақтида қайтарилиши шарт. Ушбу талабни бузган раҳбарлар учун қонун билан маъмурий ва жиноий жавобгарлик киритишни тақлиф қиламан. Бу тақлиф тадбиркорларимизга маъқул бўлади, деб ўйлайман.

Бешинчи йўналиш — тадбиркорлар фаолиятини назорат қилиш ва уларни жавобгарликка тортиш масалалари билан боғлиқ.

Биринчидан, тадбиркорларга нисбатан янги жавобгарлик ва жазо чораларини жорий этишга 3 йиллик мораторий эълон қилинади.

Шунингдек, тадбиркорларга нисбатан мажбуриятлар юклайдиган янги қонун ҳужжатлари қабул қилинганда, йўл қўйган хатоси учун тадбиркорга 6 ой давомида жазо қўлланилмайди.

Келгуси йилдан 26 та идоранинг тақроланувчи назорат функциялари бекор қилинади.

Иккинчидан, кичик бизнес вакиллари томонидан солиқ текширувлари билан боғлиқ жарималарнинг тури қўлпили ва оғирлиги масаласи бўйича жуда кўплаб мурожаатлар келиб тушди.

Мисол учун, бугунги кунда айланмадан солиқ тўлаётган 370 мингдан зиёд кичик тадбиркорларнинг солиқ бўйича ўртача ойлик тўлови 1 миллион сўм атрофида. Лекин касса чеки бермагани учун 5 миллиондан 10 миллион сўмгача молиявий, шунингдек, 3 миллиондан 12 миллион сўмгача маъмурий жарима солинади. Яъни кичик тадбиркорлар учун ҳам, йирик корхоналар учун ҳам жазо бир хил.

Умуман, савдо соҳасида фаоллашган кўрсаткич тадбиркорларимизни қарийб 30 йилдан бери қийнаб келадиган муаммо ҳам ечилилади, яъни савдо қондаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик тўлиқ бекор қилинади (Жиноят кодексининг 189-моддаси).

Биринчи марта хато қилган кичик бизнес вакилларига жазо чораси қўлланилмайди. Бунинг ўрнига камчиликларни бартараф этишга солиқ идоралари қўмакчи бўладиган тизим жорий этилади.

Жарималар миқдори ҳам тадбиркорларнинг тўлаётган солиғидан ошиб кетмаслиги керак. Бизнес-омбудсман (Д.Қосимов), Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Қудбиев) икки ой муддатда ушбу энгилликлар бўйича қонун лойиҳасини киритсин.

Учинчидан, 1 ноябрдан ҳар қандай текширишлар фақат ва фа

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ УЧУН ЯНГИ ШАРОИТ ВА ИМКОНИАТЛАР ЯРАТИШ – УСТУВОР ВАЗИФАМИЗДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи

Бошланиши 1-, 2-бетларда

Бу ерда тадбиркорлар, банк вакиллари, инвесторлар учун бизнес лойиҳаларини муҳокама қиладиган муҳит пайдо бўлади, B2B, коворкинглар учун кулай шароитлар, Wi-Fi зоналар бўлиши керак. Туман, шаҳар фаол тадбиркорларнинг эришган натижалари йил давомида “Фаровонлик бунёдкорлари” кўргазмаларида намойиш этилса, биласизларми, уларнинг шижоати ва кайфияти қандай кўтарилади!

Шунингдек, ўн нафар шогирд тадбиркор тарбиялаган бизнес вакиллари алоҳида солиқ имтиёзларини жорий этамиз.

Ҳақиқатан ҳам, агар тадбиркор шогирдлар тайёрласа, улар ўз бизнесини бошлаб, иш ўринлари яратса, биз берган солиқ имтиёзи ўн қарра бўлиб қайтади.

Шу ўринда яна бир масалага эътиборингизни қаратиш керак. Бизда қурувчи, маданият, таълим каби соҳа вакиллари учун фахрий унвонлар мавжуд. Лекин Янги Ўзбекистон пойдеворини яратишга энг катта ҳисса қўшиб кела-

ётган заҳматқаш тадбиркорларнинг бу борада эътибордан четда қолгани — адолатдан эмас.

Шу боис, кўп иш ўринлари яратган, бизнеснинг янги йўналишларини йўлга қўйган, ўз соҳасида инновация ва ислохотлар қилган ва эл-юрт орасида обрў толган бизнес вакиллари муносиб эътироф этиш учун “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тадбиркор” фахрий унвонини таъсис этишни таклиф қиламан.

Энди Савдо-саноат палатасининг иш фаолияти ҳам тубдан ўзгаради. Авваломбор, Палатанинг ҳудудий бўлиналари фаолиятини жонлантириш лозим.

Бундан буён улар туман, шаҳар тадбиркорларини бирлаштириб, уларни қийнаётган муаммо ва масалаларни аниқлаш билан амалда шугулланади. Шунингдек, улар ҳар бир туман ва шаҳарда илгор методикалар асосида бизнесга ўқитиш мактабларини ташкил қиладди. Шу билан бирга, уларга ҳокимлар ва бошқа ҳудудий раҳбарларга қўриб чиқиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш ваколати берилди. Айни вақтда маҳаллий кенгашлар ва

ҳокимлар билан ҳар ой камида икки марта танқидий муҳокамаларни ўтказилади.

Шу билан бирга, Савдо-саноат палатасининг ўзига ҳам Ҳукуматга қўриб чиқиши мажбурий бўлган масала киритиш, тадбиркор манфаатини кўзлаб Олий судга ариза бериш ҳамда иқтисодий, маъмурий ва жиноят ишлари бўйича суд қарорларини қайта қўриб чиқиш юзасидан шикоят киритиш ваколатлари берилди.

Савдо-саноат палатаси Ҳукумат бўйсунувидан тўлиқ чиқарилади. Яъни Палата бундан буён тадбиркорлар манфаатининг чинакам ҳимоясига айланади.

Барча тадбиркорларни кенг қамраб олиш мақсадида кичик ва ўрта тадбиркорлар Палатага аъзолик бадални тўлашдан бутунлай озод этилади. Бунинг ўрнига Палатага ҳар йили бюджетдан маблағлар ажратамиз.

Шу билан бирга, Бизнес-омбудсманга тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича барча ваколатларни берганмиз. Энди унинг ҳам иш тизими ўзгаради.

Бизнес-омбудсман очиқ мулоқот ёки бошқа Президент тадбирини кутмасдан, 1 январдан

тадбиркорлар мурожаатларини 24 соат қабул қиладиган крауд-сорсинг платформаси — Тадбиркор виртуал офисини ишга туширади.

Ушбу тизим орқали Бизнес-омбудсман тадбиркорларнинг мурожаатларини қабул қиладди, ижросини назорат қиладди ва тадбиркорлар ҳуқуқларини бузганларни жазолайди.

Юқорида айтилган барча таклифларни амалга ошириш учун Президент ҳузурда Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича Жамоатчилик кенгаши тузилади.

Президент Администрацияси раҳбари С.Умурзоқов икки ҳафта муддатда ушбу Кенгаши ишини ташкил этсин.

Ҳурматли очиқ мулоқот иштирокчилари! Бугун сизлар билан мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга оид кўпгина масалаларни муҳокама қилиб, уларнинг ечимини бўйича вазифаларни белгилаб олдик.

Албатта, уларни амалга ошириш учун барчамиз биргаликда ҳали кўп ишлашимиз керак. Айниқса, сиз, ҳурматли бизнес ҳамжамияти вакиллари билан бундан-да фаол, ташаббускор бўлиш, жойларда маҳаллий ҳокимликлар,

тегишли давлат органлари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликни янада кучайтириш талаб қилинади.

Ўзгаришлар ҳеч қачон осон кечмайди, буни ҳаммамиз яхши тушунаемиз. Лекин Янги Ўзбекистонни барпо этиш ушбу машаққатларга арзийди.

Ишончим комил, етарли билим ва тажрибага эга, азму шижоатли тадбиркорларимиз ушбу соҳа олдида турган вазифаларни самарали бажаришда бундан буён ҳам бор куч ва имкониятларини сафарбар этадилар.

Биз Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида ғоят муҳим ва ҳал қилувчи босқичга қадам қўймоқдамиз. Сизларнинг фидокорона меҳнатингиз, инновацион фикр ва ёндашувингиз бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳим ва бу борада сизлар барча соҳа вакилларига ўрнат бўлишингизга ишонаман.

Сиз, азизларни Тадбиркорлар кўни билан яна бир бор чин дилдан қўллаб, барчангизга сийҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизда улкан зафарлар, оилангизга бахт, хонадонингизга файзу барака тилайман.

Доимо соғ-омон бўлинг!

МУНОСАБАТ

БОР КУЧИМ ВА МЕҲНАТИМ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИГА ЎЗ ҲИССАМИНИ ҚўШАМАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг фармонида кўра, “Дўстлик” ордени билан тақдирланганимдан жуда хурсанд бўлдим. Буни нафақат менга, балки бутун хорижий сармоядорларга берилган эътибор ва муқофот деб билдим. Айни кезда юртингиздаги тўрт йиллик фаолиятим кўз ўнгимдан ўтди. Ўзбекистонга сармоя киритиб адашмаганимга яна бир бор амин бўлдим.

Паттерсон Уильям Даниел, Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги “SILVERLEAF” қўшма корхонаси бош директори

Президент Шавкат Мирзиёевни узоқни кўзловчи, халқпарвар ва доно сиекатчи сифатида ҳурмат қиламан. Шу сабаб ҳам бу ерда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар келажагимга ишониб, 2018 йили Ўзбекистонда ўз фаолиятимизни йўлга қўйганмиз. Мамлакатингизда хорижий инвесторларга барча шароитлар яратилган. Очиги, бу ердаги ишимдан мамнунман. Утган тўрт йил ичида ўз олдимизга қўйган қўллаб-қувватларга эришдик. Ўзбекистон мен каби инвесторлар учун янги имкониятлар эшигини очмоқда.

Мамлакатингиздаги фаолиятимиз кенг қамровли ва ғоят самаралидир. У пахтани экишдан тортиб, қайта ишлаш, ирригация ва тўқимачилик каби қатор йўналишларини ўз ичига олади. Шунингдек, халқаро бозор талабларига жавоб берадиган технологияларни олиб келиш орқали агробизнес ва у билан боғлиқ бошқа соҳаларни модернизация қилиш, инновацион ислохотларни ҳамкорликда олиб бориш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти ривожига муваффақиятли иштирок этиши учун жозибадор муҳитга эга мамлакат сифатидаги имижини босқичма-босқич яратиш ва обрўсини кўтаришни компаниямиз ўзининг асосий вазифаларидан бири сифатида белгилаган.

Ҳозир мамлакатингизда қишлоқ хўжалиги техникаларини модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Ер ва сув ресурсларидан унумли фойдаланиш, илмий тадқиқотларни лойиҳалаштириш, инновация киритиш бўйича ишлар бошлаб юборилди. Бу яхши ва самарали усуллар. Агротехникимиз ақлли қишлоқ хўжалигига ихтисослашган.

Айни пайтда маҳаллий ишчилар махсус ўқув дастуридан сўнг, пахта етиштиришнинг барча босқичларини назорат қилувчи замонавий навигация технологиялари билан ишлайдиган техникани бошқарилади. “PULSAR” — янги пулсацион суғориш техникаси сув тежовчи тизим асосида ишлайди. Маҳаллий экспертларнинг баҳолашича, мазкур техника сув ресурсларини 40 фоизгача тежайди. “HUMO AIR” авиакомпанияси билан ҳамкорлик қўшма корхонамизга чангланаш ва ерга ишлов бериш жараёнини янада самарали ва ўз вақтида ўтказиш имконини берди. “Silverleaf” АҚШда бир неча ўн йиллардан бери қўлланиб келинадиган замонавий технологиялардан фойдаланиш орқали мувозанатлашган экотизимни яратмоқда.

“Cotton Campaign” томонидан ўзбек пахта-сига бойкотининг бекор қилиниши Ўзбекистон далаларида мажбурий меҳнатга барҳам берилганидан далолат. Дунё мамлакатлари буни тан олди. Президент ўз вазифасига киришган йиллардан бошлаб болалар меҳнатига барҳам берилди. Бундай кескин бурилиш мамлакат тўқимачилик саноати, шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.



Мени хурсанд қилган энг муҳим ҳижат, Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш давлат сиесати даражасига кўтарилгани, шахсан Президентнинг жиддий эътиборида бўлганлигидир. Утган йили Президент Шавкат Мирзиёев илк бор тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказди. Уларни қийнаб келётган муаммо, масалаларни тинглади. Мамлакатда тадбиркорлар кўни белгилади.

Жорий йил 22 август куни Президент яна тадбиркорлар билан учрашди. Тўғриси, бу дунёда камдан-кам бўладиган ҳолат. Бу кун ҳам Ўзбекистоннинг кейинги тараққиёт йўлида муҳим саҳифа бўлиши аниқ. Зеро, тадбиркорлар эмин-эркин фаолият юритса, албатта, мамлакат иқтисодиёти юксалади, янги иш ўринлари яратилади, одамларнинг турмуш даражаси яхшиланади, энг муҳими, хорижий сармоядорлар келишига замин яратилади.

Юртингизда истиқомат қилаётган аҳолининг ярмидан ортигини ёшлар ташкил қиладди. Мамлакатингизда ёш авлод ўз гоёсини бизнес кўришида рўёбга чиқариши учун имкониятлар, янги хизмат турлари пайдо бўляпти. Энг муҳими, мазкур жараён таълим тизимидаги ўзгаришлар билан қўллаб-қувватланмоқда.

Шуни мамнуният билан қайд этмоқчиманки, кўпгина хорижий инвесторлар бизнинг Ўзбекистондаги фаолиятимизни қўриб, кузатиб, суриштириб юртингиз билан ҳамкорлик қилишга, сармоя киритишга қизиқиш билдирмоқда. Уларнинг кўпчилиги мендан Ўзбекистондаги муҳит ҳақида сўрайди. Мен ҳам уларга бу ердаги турли соҳалардаги ижобий ўзгаришларни тўқинчилик гапиришдан чарчамайман.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТИ: ЯНГИ ТАШАББУСЛАР, ҚУЛАЙЛИК ВА ЕНГИЛЛИКЛАР

Бошланиши 1-бетда

Биринчи йўналишда корхоналарни тоифаларга ажратиш, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида ёндашувлар белгиланди.

Хусусан, йиллик айланмаси 1 миллиард сўмгача бўлган корхоналар — микро бизнес, 10 миллиард сўмгача бўлган — кичик бизнес ва 100 миллиард сўмгача бўлган ўрта бизнес тоифасига киради.

Шундан келиб чиқиб, 2023 йил 1 январдан бошлаб микро бизнес учун айланмадан олинандиган солиқнинг амалдаги 4 фоиздан 25 фоизгача бўлган ставкалари ўрнига ягона 4 фоизли солиқ ставкаси жорий этилади. Йиллик айланмаси 1 миллиард сўмдан ошиб, умумий солиқ тўлаш тартибига ўтган корхоналар бир йил давомида фойда солиғини 2 баробар кам тўлайди. Ушбу имкониятлар 370 минг тадбиркорга енгиллик яратади.

Юқори салоҳиятли ўрта корхоналар сонини кўпайтириш зарурлиги таъкидланиб, улар учун қатор солиқ ва компенсация имтиёзлари белгиланди.

Утган йилги очиқ мулоқотда давлатимиз раҳбари бизнес учун солиқ юкини камайтириш сиесатини давом эттиришга ваъда берган эди. Пандемия келтирган иқтисодий қийинчиликларга қарамай, 2023 йил 1 январдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкаси 12 фоизга туширилиши маълум қилинди.

Тадбиркорлар учун яна бир енгиллик. Жорий йил 1 июлдан бошлаб бўш бино ёки фойдаланилмаётган ер участкасига нисбатан солиқларнинг оширилган ставкаларини қўллаш бекор қилинган эди. Президентимиз тадбиркорларнинг шу тарзда илгари ошириб ҳисобланган 2 триллион сўмлик қарзларидан ҳам воз кечилишини айтди.

Иккинчи йўналиш кулай молиялаштириш тизимига оид бўлди. Шу мақсадда кичик бизнес лойиҳаларига 20 триллион сўм йўналтирилиши белгиланди. Бундан ташқари, тижорат банклари халқаро молия институтларидан ҳам маблағлар жалб этади.

Тадбиркорлик жамғармаси томонидан кафилилик бериш имконияти қўшимча 2 баробарга оширилди. Натيجида камида 15 минг нафар тадбиркорнинг кредит олишдаги гаров масаласи ҳал бўлади.

Албатта, кредит бу — масаланинг бир томони. Бизнес учун яна инфратузилма ва кафолатли бозор керак. Бу борада эса, дейлик, Тошкент вилояти билан олис ҳудудларда имконият мутлақо ҳар хил.

Шу боис, учинчи йўналишда туман ва шаҳарларнинг шароитидан келиб чиқиб, бизнес учун алоҳида ёндашувлар жорий этиш масаласи кўриaldi. Келгуси йилдан шарт-шароити бўйича барча туман ва шаҳарлар 5 та тоифага ажратилади. Уларда солиқ, субсидия, кредит фойзалари учун компенсация ва кафилилик бериш, инфратузилмага улаш бўйича алоҳида тартиблар белгиланади.

Ерни хусусийлаштириш учун белгиланган сумма, яъни ер солиғининг 20 қарраси миқдориди тўлов Тошкент шаҳри ва вилоят



марказларида 10 қаррага, бошқа ҳудудларда 5 қаррага пасайтирилади.

Тўртинчи йўналиш тадбиркорларнинг мулк ҳуқуқи ҳимояси ҳақида бўлди. Ер ва мулк ажратилиш ҳақидаги қарорларни бекор қилиш, тергов жараёнида мол-мулкни хатлаб қўйишни фақат суд ҳал қилиши таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, тадбиркорларнинг судларга мурожаат қилиш имконияти кенгайтирилади. Жумладан, маъмурий судларга ариза беришда давлат божи ставкаси 2 баробар камайтирилади. Тадбиркорларнинг солиқ идоралари қарори устидан судга шикоят киритиш муддати ҳозирги 1 ойдан 3 йилгача узайтирилади.

Бешинчи йўналишда тадбиркорлар фаолиятини назорат қилиш ва уларни жавобгарликка тортиш масалаларига тўхталиб ўтилди.

Авалло, тадбиркорларга нисбатан янги жавобгарлик ва жазо чораларини жорий этишга 3 йиллик мораторий эълон қилинди. Келгуси йилдан 26 та идоранинг такрорланувчи назорат функциялари бекор қилиниши айтилди.

Давлатимиз раҳбари солиқ текширувларига оид жарималар тури қўлгиси ва оғирлиги бўйича жуда кўп мурожаатлар бўлганига эътибор қаратди.

Мисол учун, ойига ўртача 1 миллион сўм солиқ тўлайдиган кичик тадбиркорларга 5 миллиондан 10 миллион сўмгача молиявий жарима қўлланмоқда. Яъни кичик тадбиркорлар учун ҳам, йирик корхоналар учун ҳам жазо бир хил.

Президент барча турдаги текширувлар Бизнес-омбудсман томонидан мувофиқлаштирилиши, жарималар миқдори тадбиркор тўлаётган солиқ миқдоридан ошмаслиги кераклигини таъкидлади.

Умуман, энди савдо соҳасида ишлайдиган тадбиркорларни қарийб 30 йилдан бери қийнаб келадиган муаммо барҳам топади — яъни савдо қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик тўлиқ бекор қилинади.

Адлия вазири ва Бизнес-омбудсманга тадбиркорларнинг таклифларини чуқур ўрганиб, текширувлар муддатларини қисқартириш, молиявий хато ва камчиликларнинг минимал чегаравий миқдорини белгилаш бўйича қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Мулоқотда тадбиркорларни маънавий қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам эътибордан четда қолмади. Давлатимиз раҳбари кўп иш ўринлари яратган, ўз соҳасида инновация ва ислохотлар қилган, эл-юрт орасида обрў қозongan бизнес вакиллари меҳнатини эътироф этиш учун “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тадбиркор” фахрий унвонини таъсис этиш таклифини билдирди.

Савдо-саноат палатаси фаолиятини такомиллаштириш зарурати ҳам кўрсатиб ўтилди. Энди унинг вазифа ва ваколатлари кенгайтирилади. Хусусан, ҳукуматга қўриб чиқиши мажбурий бўлган масала киритиш, тадбиркор манфаатини кўзлаб Олий судга ариза бериш ваколатлари берилди. Савдо-саноат палатаси Ҳукумат бўйсунувидан тўлиқ чиқарилади ва тадбиркорлар манфаатининг чинакам ҳимоясига айланади.

Ушбу очиқ мулоқотда айрилган барча таклифларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурда Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича Жамоатчилик кенгаши тузилиши белгиланди.

Сўзининг якунида Президент Шавкат Мирзиёев юртимиз ишбилармонларини Тадбиркорлар кўни билан яна бир бор табриқлаб, фаолиятларига муваффақият тилади.

— Биз Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида ғоят муҳим ва ҳал қилувчи босқичга қадам қўймоқдамиз. Сизларнинг фидокорона меҳнатингиз, инновацион фикр ва ёндашувингиз бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳим ва бу ўринда биз барча соҳа вакилларига ўрнат бўлишингизга ишонаман, — деди давлат раҳбари.

ЎЗА

ЭЪТИРОФ

ДАВЛАТ – ТАДБИРКОРГА,
ТАДБИРКОР ХАЛҚҚА МАДАДКОР

Бугунги кун қахрамонлари орасида тadbirkorларнинг алоҳида ўрни бор. Улар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги, умуман, ҳар соҳада янги лойиҳаларни амалга ошириб, одамларни иш билан татминляпти. Мамлакат иқтисодиёти ривожига, халқ фаровонлигига муносиб ҳисса қўшапти. Янги Ўзбекистонда тadbirkorлик фаолиятининг янги ривожланиш даври бошланишига, аввало, Президентимиз бошчилигида ишбилармон доира вакилларининг эркин фаолият олиб бориши учун барча шароитлар яратиб берилгани, уларнинг ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани асос бўлди.

Бунинг исботини кўриш учун охириги йиллардаги ислохотларга назар ташлаш kiffoя. Хусусан, тadbirkorлар фаолиятига халал берувчи барча турдаги текширувлар, тadbirkorлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазо бекор қилинди, экспортдан тушган валюта тушумини мажбурий сотиш тартиби бутунлай йўқ бўлди. Очиғи, бу рўйхатни яна узок давом эттириш мумкин. Энг асосийси, давлат тadbirkorларнинг муаммолари, муносабат ва тақлифларини тинглайдиган, уларга ечим топадиган самарали тизим яратилди.

Президентимизнинг ўтган йили тadbirkorлар билан илк очик мулоқоти эса ишбилармонлар учун қутлимган янгилик бўлди. Мулоқот ўтказилган 20 август санаси юртимизда "Тadbirkorлар кунини" этиб белгилангани ҳам соҳа вакилларини янада руҳлантирди.

Энди ҳар йили ушбу сана юртимизда тadbirkorлар байрами сифатида нишонланади. Жорий йил 20 август — "Тadbirkorлар кунини" да давлатимиз раҳбари фармоиши билан соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ юртдошларимиз "Фаол тadbirkor" кўрақ нишонини билан тақдирланди. Шунингдек, мамлакатимизда тadbirkorликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ишбилармонлик муҳитини яхшилашга ҳисса қўшаётган, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш йўлида алоҳида ибрат ва намуна кўрсатаётган соҳа вакилларининг бир гуруҳи Президент фармонида кўра, юксак давлат мукофотлари билан тақдирланди. Шу йил 22 август кунини давлатимиз раҳбарининг тadbirkorлар билан бўлиб ўтган навбатдаги очик мулоқотида уларнинг фаолияти, меҳнати ва ташаббускорлиги алоҳида эътироф этилди.



ОЧИҚ МУЛОҚОТ — ОЛТИН МИНБАР

Дилшод БОБОЖОНОВ,
Бухоро вилоятидаги "Бухоро зарҳал текс" МЧЖ раҳбари:

— Тadbirkorларга қулай имкониятлар яратилган ва уларнинг муаммоларини тинглаш, ечим топишга алоҳида эътибор қаратилган юрда, албатта, барча соҳалар юксалади. Бунинг сўнгги йиллардаги ўзгаришлар, қишлоқ хўжалиги соҳасининг ривожига ҳам кўришимиз мумкин.

Президентимизнинг аънаёнага айланиб бораётган тadbirkorлар билан очик мулоқоти бир қатор ечимини кутаётган муаммоларга барҳам бериш билан бирга, соҳа ривожига йўлидаги тўсиқлар, бу борада тadbirkorларнинг тақлифларини таҳлил қилиш, шу орқали тadbirkorлик фаолияти ривожига кенг йўл очишда қўл келмоқда. Айтиш мумкин, бу жиҳатлари билан ҳам ушбу мулоқот ишбилармон доира вакилларига мотивация берапти.

Тadbirkor эканимдан мамнунман. Очиғи, бугун биз учун яратилаётган имкониятларни бундан беш-олти йил олдин орзу ҳам қилмасдик. Алоҳида қайд этиш кераки, давлатимиз раҳбари гоёси асосида қишлоқ жойларда маҳсулот етиштириш ҳамда уни қайта ишлашнинг занжирли усули — кластер тизими пайдо бўлди. Қисқа вақт ичида аграр соҳани ҳаракатлантирувчи етакчи кучга айланган мазкур тизим иқтисодий тармоқлари истиқболда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

"Бухоро зарҳал текс" пахта тўқимачилик кластери томонидан Шофиркон туманида 1 минг 500 гектар майдонда ғалла етиштирилди. 100 дан ортиқ фермер хўжаликлари билан тузилган шартнома натижасига кўра мўл ҳосил тўпланди.

Узоқ йиллардан бери қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаман. Кузатувларимдан келиб чиқиб айтишим мумкин, авваллари ғаллачиликдан 40-45 центнер ҳосил оласам ҳам катта гап эди. Бу йил кластеримизга қарашли қўллаб-қувватлаш бўлиб, биринчи ярим йилнинг ўзига 7 минг 799 таси иш бошлади.

бирга, тегишли вазирлик ва идоралар орқали ҳал этишга кўмаклашишни ўз зиммимизга олганми.

Худудий бошқарманинг туман тadbirkorликка кўмаклашиш марказлари томонидан тadbirkorлик субъектлари ва ушбу фаолият билан шуғулланмоқчи бўлган фуқароларга 37 турдан ортиқ хизматлар кўрсатиб келинмоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярми давомида Палатанинг 4 мингга яқин аъзосининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судларга 2,156 миллиард сўмлик 17 минг 681 та даъво аризаси киритилди. Ушбу даъво аризаларининг 9 минг 753 таси тadbirkorлар фойдасига ҳал этилган бўлса, 7 минг 928 таси тегишлиги бўйича судлар томонидан кўриб чиқилмоқда.

Палата тadbirkorларга фаолияти давомида ҳам зарур ёрдам бериб келяпти. Жумладан, маҳаллий ишбилармонларнинг Афғонистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозғистон, Беларусь ва Россия давлатларига 12 миллион 900 минг долларлик маҳсулот экспорт қилишлари кўмаклашилди. Хитой ва Германия давлатларидан умумий қиймати 4 миллион 225 минг долларга тенг замонавий ускуналар харид қилишларида амалий ёрдам берилди.

Юртимиз тadbirkorларини ҳорж ишбилармонлари билан боғлаш мақсадида мунтазам равишда



имконини беради. Айниқса, пахтага бойкотнинг олиб ташланиши Европа бозорлари учун янги эшикларни очди.

Давлатимиз раҳбарининг тadbirkorлар билан навбатдаги мулоқоти олдиндан "Фаол тadbirkor" кўрақ нишонини билан тақдирландим. Бундай эътибор менга янада куч бағишлаб, янги марралар сари ундайди.

Президентимизнинг тadbirkorлар билан юзма-юз мулоқоти биз учун олтин минбар. Чунки бу каби учрашувларда барча масалалар очик-ойдин ўртага ташланиб, ечим топилади.

Бир вақтлар ўзингизни қийнаётган муаммони ҳал қилиш учун давлат раҳбари у ёқда турсин, маҳаллий ҳокимликнинг бирор эшигини тақилатишга ҳам юрагингиз бетламас эди. Чунки барибир сизни ҳеч ким ҳатто тингламас эди-да. Энди эса маҳсулот шаб қилиб этилиб, муносабатларни қабул ва таҳлил қилганидан, ўз навбатида, тегишли вазирлик ва идорага йўналтирадиган тизим жорий қилинган тadbirkorларни иқтисодиётнинг ҳақиқий таянчига айлантирмоқда.



Ўлмас ЖАЛИЛОВ,
Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар худудий бошқармаси бошлиғи, "Шухрат" медали соҳиби:

Ишбилармонларни
қўллаб-қувватлашга доим тайёрмиз

— Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили тadbirkorлар билан ўтказилган илк тарихий очик мулоқотидан сўнг халқимизни хурсанд қиладиган ўнлаб қарор ва фармонлар қабул қилинган эди. Кеча бўлиб ўтган навбатдаги мулоқотда Президентимиз томонидан тadbirkorларни қийнаб келаётган яна қўллаб-қувватлашга ечим айтилдики, бу соҳа вакилларини ниҳоятда тўқилантириб юборди.

Яратиб берилаётган қулайликлар тadbirkorлик субъектларининг чин маънода эркин фаолият юритишига асос бўлмоқда. Энг муҳими, тadbirkorларимизда олдинги даврлардаги кўрков ҳисси йўқолган. Улар янги гоё ва ташаббусларини дадил амалга оширяпти. Бугун тadbirkor давлатга, давлат идораларига ишона бошлади. Ўзларини қийнаётган муаммоларни бемалол айтиб, тақлифларини билдирапти.

Савдо-саноат палатасига тadbirkorлик субъектлари томонидан келиб тушаётган муносабатлар сони ҳам ортган. Биз муаммоларни ўрганиш билан

халқро кўрама ва бизнес-форумлар ташкил этилди. Натижада қўллаб-қувватлаш тadbirkorларимиз ўз маҳсулотини жаҳон бозорига олиб чиқиб, экспорт кўрсаткичларини ошириш, ўзбек брендини дунёга танитишга ҳисса қўшапти. Жорий йилда кичик бизнес субъектларини ташкил этиш бўйича 17 минг 63 та режа-прогноз тасдиқланган бўлиб, биринчи ярим йилнинг ўзига 7 минг 799 таси иш бошлади.

Умуман, шу соҳада фаолият юритиб, мамлакатимиз бизнес муҳитини яхшилашда иштирок этаётганимдан мамнунман. Ана шу меҳнатимни қоқори баҳолаб, "Шухрат" медали билан тақдирлагани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдираман.

Очик мулоқотда Савдо-саноат палатаси ва унинг худудий бўлинмалари фаолияти ҳам тубдан ўзгариши, эндиликда Палата ҳуқуқат бўйсунувидан тўлиқ чиқарилиши айтилди. Бу Савдо-саноат палатаси тизимига берилган катта ишонч, деб биламан. Бундан кейин ҳам тadbirkorларимиз ишончини оқлаб, уларни қўллаб-қувватлашга доим тайёрмиз.

Тadbirkor эканимдан фахрланаман!

Исломбек ВОХИДОВ,
Тошкент вилоятидаги "Li da metal technology" МЧЖ ҚҚ ижрочи директори:

— 20 август санаси мамлакатимизда чин маънода тadbirkorлар байрамига айланди. Ушбу санани биз нафақат рамзий байрам сифатида, балки давлатимиз раҳбари билан бўладиган очик мулоқот учун ҳам ҳаяжон билан кутадиган бўлдик. Кеча ана шу мулоқотда иштирок этар эканман, Президентимизнинг бизга билдираётган ишончи, яратиб бераётган шарт-шароит, имтиёзларидан тўқиландим. Тadbirkor эканимдан, шу халқнинг қорига яраб, давлатимиз раҳбарининг юртимизда камбағалликни қисқартиришдек энг азгу мақсадларига оз бўлса-да ҳисса қўшаётганимдан фахрландим. Кўксимга тақилган "Фаол тadbirkor" кўрақ нишонини эса мени янада улкан марраларни қўллаб, кўпроқ меҳнат қилишга, фаолиятимни янада ривожлантиришга ундамоқда.

Бугун тadbirkorларга берилаётган имкониятлар ҳақида гапирсак, айримларга эриш тулолади. Аммо олдинги даврлар билан солиштирганда, фарқ яққол кўзга ташланиши бор гап. Авваллари тadbirkorга ишонч камдек эди. Юқоридан назорат кучли, бюрократик тўсиқлар кўплигидан тadbirkor давлатни назоратчи, теладан босим ўтказувчи, жазоловчи сифатида қабул қиларди. Ҳозир бу тўсиқларнинг барчаси олиб ташланди. Давлат ва тadbirkor бир мақсад йўлида ҳамкорларга айланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев тadbirkorнинг дарди билан яшамаган раҳбар — сийсатни тушулмаган раҳбар бўлади, деб қатъий таъкидлар экан, бунинг амалий исботини фаолиятимиз мисолида кўряпти.

Ёшларнинг тadbirkorликка тобора қизиқаётгани сабаби ҳам шунда. Ҳозирги шароитда ишбилармон киши яратувчи ва ташаббускор бўлиши, янгиликка интилиб, ўз устида ишлаши, инновацион лойиҳалар билан дунё

бозорларига чиқиши керак. Бугунги давр замонавий раҳбардан қўл остида ишлайдиганлар учун муносиб иш ва дам олиш шароитларини яратиб бериш, унинг фаолиятини давлат ҳам, одамлар ҳам фойда кўришига интилишни талаб қиладди.

2017 йилда Оҳангарон шаҳрида Ангрэн эркин иқтисодий зонасида металл маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган "Li da metal technology" МЧЖ ишга тушди. Аввалига хоржиқ корхона сифатида иш олиб борган бўлса, 2022 йил бошида корхонанинг 51 фоиз улуши "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамияти томонидан сотиб олинди, қўшма корхонага айлантирилди.

Ҳозир жаҳонда барча соҳаларнинг ривожланиши ҳисобига металл маҳсулотларга талаб янада ортган. Ўзбекистонда ҳам металлургия соҳасида янги давр бошланипти. Сўнгги беш йилда бу соҳага бўлган эътибор натижасида 200 та янги корхона ташкил этилди. Бизнинг корхона шулардан бири.

Қўшма корхонамизда мамлакатимизда биринчилардан бўлиб жаҳон стандартларига мос, махсус техник регламентга тўлиқ жавоб берадиган А500 синфига мансуб даврий профили арматура ишлаб чиқариш йўлига қўйилди. Маҳсулотларнинг 12 фоизи хоржиқа экспорт қилиняпти. Келгусида ишлаб чиқариш билан бирга, экспорт ҳажмининг ошириш режалаштирилган. Бунинг учун қўшма корхонамиз "ISO 9001" халқаро сертификатига ҳамда Латвия давлати томонидан берилган "KIWA" маҳсулот мувофиқлиги сертификатини қўлга киритди.

Бугунги кунда 687 нафар кишини доимий иш билан таъминлаганимиз. Бу олдимизга қўйган мақсадларимизнинг бир қисми, холос. 2023 йилда қуввати 10 минг тонналик ферроқотишмалар ишлаб чиқариш цехини ишга тушириб, яна қўшимча иш ўринлари яратиш ниятимиз бор.

Мафтуна АЗИЗОВА,
Сурхондарё вилоятидаги "Асилахон терма гиламлари" ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари:

— Авваллари хунармандчиликка бўш вақтни мазмунли ўтказиш учун шунчаки бир восита сифатида қараларди. Бугун эса бу соҳа ҳақиқий даромад манбаига айланиб, хунармандлар тadbirkor, бизнес оламининг вакили сифатида тилга олинади. Интилан, изланган, тўғри тadbirkor топил учун ўзини қийнаб, барчага фойдали ташаббусларни олиб чиққанлар ўз мақсадига, албатта, эришади.

Хунармандларга имтиёзли кредитлар ажратилиб, лойиҳаларини молиялаштириш учун зарур қўллаб-қувватлаш кўлигул инсонлар учун катта имкониятлар тўхта этди. Бир йил аввал Президентимизнинг тadbirkorлар билан очик мулоқоти кўп йиллик муаммоларга ечим, янги лойиҳаларга асос бўлган эди. Тўғриси, бу сафарги мулоқотни ҳам ҳаётимга қувонч олиб қирадиган шодиена кундек интиқлик билан кутдим.

Мана шу учрашув олдиндан ўтказилган тadbirkorлар билан мулоқот ҳафталиги соҳа вакилларини қийнаётган муаммоларини ўрганишининг янги механизми бўлган бўлса, бугунги очик мулоқот тизимли ишларнинг давоми сифатида ҳар биримизнинг катта ютуқларга эришишимизга хизмат қиладди. Утган йили тadbirkorлар кунини билдирилган тақлифлар, берилган ваъдаларнинг барчаси ҳужжатлар кўринишида қонуний кучга кирди ва қўллаб-қувватлашнинг амалга оширилишида муҳим омил бўлди. Бу йил кўриб чиқилган масалалар, илгари сурилган тақлифлар ҳам келгусида иқтисодиёт тармоқлари ривожига хизмат қиладди, албатта.

Давлат томонидан хунармандчилик асосида тadbirkorликни ривожлантиришга

"БУХОРО ЗАРҲАЛ ТЕКС" ПАХТА ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРИ ТОМОНИДАН ШОФИРКОН ТУМАНИДА 1 МИНГ 500 ГЕКТАР МАЙДОНДА ҒАЛЛА ЕТИШТИРИЛДИ. 100 ДАН ОРТИҚ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ БИЛАН ТУЗИЛГАН ШАРТНОМА НАТИЖАСИГА КЎРА МЎЛ ҲОСИЛ ТЎПЛАНДИ.

сотамиз, деб ўйламагандик. Эндиги мақсади-миз пахта ҳосилдорлигини оширишга қаратилган. Кластеримизда 1000 нафардан ортиқ кишининг бандлиги таъминланган, уларнинг асосий қисмини ёшлар ва аёллар дафтарига киритилганлар ташкил этади. Далаларимизга "Бухоро-6", "Бухоро-8", "Бухоро-10" каби серҳосил пахта навларини қадаб, томчилатиб суғоришни йўлга қўйганмиз.

Экспорт салоҳиятимиз 8 миллион долларга етди. Жорий йилда биз Германиянинг йirik тўқимачилик компанияси билан қўшма корхона тузишга эришдик. Бунинг учун ушбу давлатдан тўғридан-тўғри инвестиция олиб келиняпти. Қўшма корхона йилга 10 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилиш

Жорий йил 1 июлдан бошлаб бўш бино, фойдаланилмаётган ер участкасига нисбатан мол-мулк ва ер солиқларининг оширилган ставкаларини қўллаш бекор қилинган эди. Президентимизнинг тadbirkorлар билан бугунги мулоқотида аввалдан ошириб ҳисобланган солиқлар масаласига ҳам эътибор қаратилгани барчамизни қувонтирди. Учрашувда таъкидланганидек, айнан мана шу муаммо ўн минглаб тadbirkorни безовта қилаётган эди. Давлатимиз раҳбари эндиликда тadbirkorларнинг оширилган солиқ ставкалари бўйича ҳисобланган 2 триллион сўмлик қарзлардан бутунлай воз кечилишини айтганида қўллаб-қувватлашнинг елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди.

Муаммоларга ечим, янги лойиҳаларга асос



барча йўллар очилар экан, биз бундан унумли фойдаланишимиз керак. Охириги йиллардаги ислохотлар бизда бизнес юриштига бўлган ишончини оширди.

Хунармандлар сулоласининг олтинчи авлодидан. Ишлаб чиқаришда замонавий технологияларнинг ўрни тобора ортиб боришига қарамай, қўл меҳнатига асосланган буюмларга талаб ҳам пасайгани йўқ. Бу, албатта, бизни қувонтиради. Ишбилармон кишига эмин-эркин ишлаши учун

шароит яратиб берилса, унинг фаолияти кенгайиб бораверади. Дастлаб қизиқиш учун бошлаган ишим бугун кооперативга айланди.

Ҳар йили 60 нафарга яқин шогирд тайёрлайман. Бугунги кунда 50 турдан зиёд ноёб миллий хунармандчилик маҳсулотларини бозорга олиб чиқамиз. Фаолиятимиз асосини гиламчилик ташкил қиладди. Халқ амалий санъатининг мазкур тури моҳир хунармандларимиз меҳнати боис, янада ривожланимоқда. Асрлар оша аждодлардан ўтиб, сайқал топиб келаётган бу санъатни асраб-авайлаш, келгуси авлодларга етказишга ҳисса қўшаётганимдан хурсандман.

Шунчаки қизиқиш учун бошлаган ишим катта даромад манбаига айланади, одамлар нафи тегади деб ўйламагандим. Тўғриси, бундай режам ҳам йўқ эди. Хунармандлар учун яратилаётган имкониятлар мени қатъий мақсад йўлида олға ҳаракат қилишга ундади. "Уста-шогирд" аънавалари асосида ёшларга хунар ўргатаётган хунармандларга — шогирдлар тайёрлаш, зарур ҳомаёти сотиб олиши ва ишчиларни иш ҳақи билан таъминлаши учун 6 ой давомида ҳар ойда БХМнинг 2 баробаридан кам бўлмаган микдорда субсидия ажратилиши соҳага қизиқиш бор, аммо сармоёси йўқ хунармандлар учун яхши имконият бўлди.

Дунёда касблар кўп. Уларнинг ҳар бири маълум мақсадларга хизмат қиладди. Тadbirkorлик ҳам уларнинг бири аслида. Аммо тadbirkorликнинг ўзига хос жиҳати бор — бошқа соҳа вакиллари ўзининг бандлигини таъминлаб, нари борса, оиласининг фаровонлигига ҳисса қўшса, тadbirkor одам ўзи ва оиласидан ташқари бошқа инсонларни ҳам иш билан таъминлайди, ўнлаб, юзлаб оилаларнинг муҳим даромад топишга сабабчи бўлади.

"Янги Ўзбекистон" мухбирлари Ирода ТОШМАТОВА, Феруза ЖЎРАЕВА ёзиб олди.

ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

Маматхон КАРАБАЕВ,
Геология фанлари университети профессори,
геология-минералогия фанлари доктори

Кейинги йилларда юртимизда саноатнинг барча тармоқлари жадал суръатларда ривожланмоқда. Айни жараёнда турли кўринишдаги фойдали қазилмаларни қазиб олиш ишлари ҳам янги технологиялар асосида амалга ошириляётгани қувонарлидир. Шу билан бирга, рангли ва ноёб металллар истеъмоли ошиб бораётгани туфайли йилдан-йилга осон ажратиб олинадиган олтин таркибли маъданлар захираси муттасил камаймоқда. Саноатда ишланиши мураккаб бўлган олтиннинг улуши эса ортиб бормоқда.

ЖАҲОННИНГ НОЁБ ЖАВОҲИРИ ТИЛСИМОТЛАРИ МАЪДАНЛАРНИ БОЙИТИШДАГИ ЭНГ ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

Халқаро экспертларнинг фикрига кўра, дунёда олтин қазиб олишнинг асосий ўсишини таъминлаш учун саноатда қийин бойитилувчи олтин маъданларини қайта ишлашнинг замонавий ва қулай усулларини қўллаш ўринлидир.

Маълумки, замонавий тоғ-кон саноати олдидан турган ва ишланиши мураккаб бўлган олтин маъданларини қазиб олиш муаммоларини ҳал қилишга қаратилган илмий-техник вазифалар бугун дунёдаги энг муҳим ва долзарб вазифалардан бири саналади. Таркибдан қийин бойитиладиган маъданларни қайта ишлаш, катта ҳажмдаги хомашёни турли технология жараёнлар орқали бойитиш олинмадиган металлнинг таннархи ошишига олиб келади. Шу сабабдан, ҳозирги давр металлургияси ушбу турдаги маъданларни қайта ишлаш учун арзон, самарали, металлларни юқори миқдорда ажратиш олиш имкониятини берувчи технология жараёнларни ишлаб чиқаришни талаб қилмоқда. Бу технология жараёнларга гидрометаллургик, айниқса, кейинги йилларда самарадорлиги

кичлари ва, умуман, технологик кўрсаткичларни яхшилаш позициялари сезиларли даражада ижобий таърифга ўзгартирилди. Оксидловчи кўйдириш жараёнини жорий этиш орқали тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни тахминан 10 фоизга оширишга эришилди.

Шу билан бирга, муаллифлар томонидан кўп йиллар давомида металлургияда биотехнологик жараёнларни қўллаш асосида керакли металлларни маъдан, бойитма, тоғ жинслари ва эритмалардан микрожонзотлар ёрдамида ажратиш олишнинг илмий ва амалий ишланмалари бўйича тадқиқотлар олиб боришмоқда. Танлаб эритишнинг бактериал усуллари (бактериал танлаб эритиш) минерал хомашёлари қайта ишлаш соҳасида илмий-техник ривожланишнинг истиқболли йўналишларидан биридир. Бу усул хомашёдан комплекс фойдаланиш ва атроф-муҳитни ҳимоя қилишга имкон яратяди.

Ҳозирги вақтда муаллифлар томонидан Навоий давлат қончилиқ институтидан маъданларни бойи-

“**ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ТАЪКИДЛАГАНИДЕК, “...ДУНЁДА БУНДАЙ ТАЖРИБА ҲАМ, КИТОБ ҲАМ ЙЎҚ. БУНИНГ УЧУН, АВАЛЛО, ФИДЙИ БЎЛИШ, ХАЛҚНИ СЕВИШ КЕРАК. БУ ИККИ ЛАВОЗИМДА ИШЛАЙДИГАНЛАР МАҲАЛЛАДА ИСЛОҲОТЛАР ПОЙДЕВОРИ БЎЛАДИ. УЛАР ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ИШСИЗЛИКНИ КАМАЙТИРИШ, ЁШЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРАДИ. БУ ЖУДА КАТТА МАСЪУЛИЯТ ВА ШАРАФ”.**

НАВҚИРОН АВЛОД

ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Отабек БОБОЖОНОВ,
Тошкент давлат юридик университети магистратура ва
фиртка таълим факултети декани, юридик фанлар бўйича
филсафа доктори (PhD), доцент

Мамлакатимизда ёшлар билан ишлаш масаласи ҳамisha давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келган. Сўнгги йилларда йигит-қизларнинг эҳтиёж ва манфаатларига эътибор янгича тус олди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки юртимизда ёшларга Ўзбекистонни барпо этадиган асосий куч сифатида қаралмоқда.



Вертикал тизим жорий этилди

— Жорий йилда ёшлар билан ўтказилган форумлар, сайловолди учрашувларида ёшлар сиёсати бўйича устувор йўналишлар ва жуда катта марраларни белгиладик. Ёшлар бўйича маҳаллага тушадиган вертикал тизим яратамиз, — деган эди Президентимиз ўтган йили юрак қон-томир ва эндокрин касалликларнинг олдини олиш ва уларни даволаш тизимини такомиллаштиришга бағишланган видеоселектор йиғилишида.

Ҳозирги кунда ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулдаги ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий этилиб, уларнинг асосий вазифаси белгиланди.

Энди етакчилар “Ёшлар баланси”ни шакллантиряпти, улар тўғрисидаги зарур маълумотларни “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар портали” электрон платформаларига киритиб, самарали иш ташкил қилмоқда.

Бундан ташқари, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бор ёшлар билан тизимли ишлаш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган ёшларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига кўмаклашмоқда.

Етакчи бириктирилган маҳалларда маданият ва санъатни тарғиб қилиш, соғлом турмуш тарзи ва спортни оммалаштириш, ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш, маънавият ва китобхонлик тарғиботи, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ҳуқуқий саводхонликни ошириш, тадбиркорлик гояларини қўллаб-қувватлаш каби вазифаларга ҳам масъул.

Манзилли моддий (иқтисодий) кўмак ташкил этилмоқда

Бир қатор ёрдам турлари етакчининг тавсияси асосида берилмоқда. Етакчининг ёшларнинг тадбиркорлик гояларини амалга ошириш, кредит, субсидия ва бошқа ёрдам чоралари қўриш, маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Мисол учун, Бухоро шаҳри “Истиклол” МФЙда ҳоким ёрдамчиси сифатида фаолият юритадиган Х.Раҳимбоев маҳалла ҳудудидаги “Вухого cotton” қўшма корхонасида ишлаш истагида бўлган ёшларни ушбу ишлаб чиқариш субъектига доимий ишга жойлаштирган. Айни пайтда жами 230 га яқин фуқарони иш билан таъминлаш, 53 нафарига кредит ажратиш, 20 нафарини эса касб-хуна ўрганишга йўналтириш билан шуғулланмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “... дунёда бундай тажриба ҳам, китоб ҳам йўқ. Бунинг учун, аввалло, фидойи бўлиш, халқни севиш керак. Бу икки лавозимда ишлайдиганлар маҳаллада ислохотлар пойдевори бўлади. Улар тадбиркорликни ривожлантириш, ишсизликни камайитириш, ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатини амалга оширади. Бу жуда катта масъулият ва шараф”.

Ҳозир мамлакатимиздаги 30 фоиз уй хўжаликлари ижтимоий ҳимояга муҳтож. Ушбу оилаларнинг ҳар бирига индивидуал тарзда ёндашилиб, моддий ёрдам ёки кредит ажратиш, тадбиркорликка йўналтириш бўйича манзилли “йўл харита”лари ишлаб чиқилмоқда.

Бунинг учун республика миқёсида давлат бюджетидан 10 триллион сўм кредитга ва 2,5 триллион сўм манзилли субсидияларга ажратилди. Демак,

Ёшлар ишлари агентлигига фаолият самарадорлиги кўрсаткичларидан келиб чиқиб, етакчиларни ҳар чорак якуни бўйича ойлик иш ҳақининг 50 фоизига миқдорда мукофотлаш ҳуқуқи берилган.

Бундан ташқари, ҳар чоракда маҳаллада ёшлар сиёсатини самарали амалга оширишда юқори натижадорликка эришаётган, мамлакат бўйича энг илғор 100 нафар етакчи бир ойлик иш ҳақига тенг миқдорда бир марталик пул мукофоти билан тақдирланади.

Фаолиятини самарали ташкил этаяётган, ўзининг шахсий фазилатлари билан ёшларга намуна бўлаётган етакчилар “Янги Ўзбекистон ислохотчиси” кўрак нишонини билан тақдирланиши кўзда тутилган.

Етакчининг меҳнатини баҳолаш мақсадида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда етакчилар иш фаолиятини тўлиқ рақамлаштиришга эришилди ҳамда электрон рейтинг тизими (КРП) жорий этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 7 июндаги “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирла-



бу 9,3 мингдан зиёд маҳаллага ўртанча тахминан 1,3 миллиард сўмдан тўғри келади. Қолаверса, баъзи вилоятларда ортқича солиқ тушумлари ҳам ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчиларига тақсимланмоқда.

Муносиб рағбат ҳам берилмоқда

Ҳоким ёрдамчиси ва ёшлар етакчиси лавозимига номзодлар туман (шаҳар)лар ҳокимлари бошчилигидаги танлов комиссиясини шакллантириш орқали очiq танловлар асосида ишга қабул қилинди.

Бунда Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига ҳам қатор вазифалар юкланган. Жумладан, иш фаолияти натижаларига кўра, етакчиларни Миллий кадрлар захирасига киритиш, бунда ушбу етакчилар танловсиз туғридан-туғри юқори лавозимларга ўтказилиши кўзда тутилган.

Етакчининг ойлик иш ҳақи миқдори у бириктирилган маҳалладаги хонадонлар сонига мутаносиб равишда қўйидагича белгиланган:

хонадонлар сони 500 тагача бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5 баробари (4,1 миллион сўм) миқдорда;

хонадонлар сони 501 тадан 1 000 тагача бўлган маҳаллада — МХТЭКМнинг 5,5 баробари (4,5 миллион сўм) миқдорда;

хонадонлар сони 1 000 тадан ортқича бўлган маҳаллада — МХТЭКМнинг 6 баробари (4,9 миллион сўм) миқдорда.

ри тўғрисида”ги қарорига кўра, 1 июлдан “Ёшлар дафтари” ахборот тизими “Онлайн маҳалла” платформаси билан интеграция қилинди.

Аҳоли фаровонлигини ошириш, тадбиркорлик ва ишбилармонликни тарғиб қилиш ишлари янада кучайиб бораётган шу кунларда маҳалларда ёшлар билан ишлашда қуйидаги янги механизмларни жорий этиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлар эди:

биринчидан, вояга етмаган ҳуқуқбузарлар билан ишлашда пробация хизматлари билан яқин алоқани алоҳида йўналиш сифатида белгилаш;

иккинчидан, маҳалларда ёшлар етакчиларини танлашда гендер тенгликни таъминлашга оид механизмларни кучайтириш. Боиси, давлат хотин-қизларнинг маҳалла ишларини бошқаришдаги фаоллигини таъминлаш керак;

учинчидан, бир йиллик иш якунларига кўра, ўзи фаолият юритаётган туман (шаҳар)да энг юқори натижа кўрсатган ёшлар етакчиси ва ҳоким ёрдамчилари (ҳар бир туман (шаҳар) дан бир нафардан)ни маҳаллий ва республика даражасидаги раҳбарлик лавозимларига тайинлаб бориш амалиётини жорий этиш.

Мухтасар айтганда, бу йўналишдаги ислохотлар самара бериши учун ёшлар етакчиси ва ҳоким ёрдамчисидан фидойилик, тадбиркорлик ва ўзига хос ташкилотчилик қобилияти талаб этилади. Албатта, бундай фаолият мамлакатимизда яшовчи ҳар бир инсон, хусусан, ёшлар ҳаёт тарзини янада юксалтириш, тинч-тотув, бекаму кўст яшашга қўшилган чин маънодаги ҳисса бўлади.



“**МАЗКУР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ИШЛАНМАЛАРНИ САНОАТГА ЖОРИЙ ҚИЛИШ НАТИЖАСИДА МЕТАЛЛУРГИЯ КОРХОНАСИДАГИ ЧИҚИНДИ ГАЗЛАРНИ ТОЗАЛАШ КўРСАТКИЧЛАРИ ВА, УМУМАН, ТЕХНОЛОГИК КўРСАТКИЧЛАРНИ ЯХШИЛАШ ПОЗИЦИЯЛАРИ СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА ИЖОБИЙ ТАРАФГА ўЗГАРТИРИЛДИ. ОКСИДЛОВЧИ КўЙДИРИШ ЖАРАЁНИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ ТАЙЁР МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАХМИНАН 10 ФОИЗГА ОШИРИШГА ЭРИШИЛДИ.**

юқори бўлган бактериал-кимёвий, яъни биооксидлаш жараёни усули киряди.

Техника фанлари доктори Қ.Санақулов бошчилигида Навоий кон-металлургия комбинати мутахассислари “Технологик ва ишланиши мураккаб бўлган олтин таркибли маъданларни қайта ишлаш ва ўзлаштиришнинг комплекс технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш” мавзусидаги илмий-амалий ишланма яратди. Муаллифлар томонидан бойитилиши мураккаб бўлган маъданларни қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириш борасида кўп йиллар давомида илмий-амалий изланишлар олиб борилиб, ишлаб чиқаришга муваффақиятли татбиқ этилмоқда. Хусусан, ушбу турдаги маъданларни бойитиш учун оксидловчи кўйдириш жараёни билан бирлаштирилган технологик схема ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Муаллифларнинг ушбу ютуғи нафақат юртимиз, балки халқаро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф этилган.

Мазкур илмий-амалий ишланмаларни саноатга жорий қилиш натижасида металлургия корхонасидаги чиқинди газларни тозалаш кўрсат-

тишдаги энг замонавий ёндашувлардан бўлиши микротўлқинли жараёнларни металлургияда олтин ажратиш олишда қўллаш имконияти бўйича ҳам тадқиқотлар олиб боришмоқда ва бу борада ижобий натижаларга эришилган.

Хулоса ўрнида шуни эътироф этамизки, Қ.Санақулов, Н.Снитка, Р.Усмонов, У.Эргашев, О.Мустақимовларнинг “Технологик ва ишланиши мураккаб бўлган олтин таркибли маъданларни қайта ишлаш ва ўзлаштиришнинг комплекс технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш” мавзусидаги илмий-амалий ишланмалари республикамиз тоғ-кон саноати олдидан турган муҳим технологик жараёнлар ечимига йўналтирилган. Муаллифлар томонидан олинган натижалар қимматбаҳо металлларни ажратиш олиш корхоналар амалиётига жорий этилган ва бу улкан иқтисодий фойда келтирган. Ишланиши мураккаб бўлган олтин таркибли маъданларни қайта ишлаш ва ўзлаштиришнинг комплекс технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш бўйича эришилган муваффақиятлар Республикаимиз фан ва техника соҳасидаги Давлат мукофотига тўлиқ лойиқдир.



